

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ОҒИР ҚИСМАТ ЙЎЛЛАРИДА

Тошкент – 2006

0

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ОҒИР ҚИСМАТ ЙЎЛЛАРИДА

*Файзулла Хўжаев таваллудининг 110 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент-2006

78.342

О – 99

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи *Ф.Рўзиева*
Муҳаррир *Ҳ.Маматраимова*
Масъул муҳаррир *О.Қиличбоев*

Оғир қисмат йўлларида: Файзулла Хўжаев таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Ф.Рўзиева; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти.-2006.- 20 б.

КБК 78.342+66.3(5 Ў)8-63.3(5Ў)6

Шундай матонатли жонкуяр, ўз ғоясига содиқ одамлар борки, уларнинг босиб ўтган ҳаёти, тақдир йўли она-Ватани, халқининг қисмати, келажаги билан чамбарчас боғлангандир. Ана шундай инсонлардан бири Файзулла Хўжаев. У ўзбек халқининг фаровон ҳаёти учун ўз жонини фидо қилган сиймодир. Файзулла Хўжаев таваллудининг 110 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва тарғиб қилишда ёрдам бериш мақсадида тузилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.

Муқаддима

*Ўз тарихини ҳурмат қилган халқ,
миллат аجدодлар ёдини доимо қутлуғ
билиб, хотирасини эъзозлаб яшайди.*

Ислом Каримов

Президентимиз ўз нутқларининг бирида шундай деган эди: «Мустақиллик пойдеворига, халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланыпти».

Халқимизнинг ана шундай асл фарзандларидан бири – Файзулла Хўжаевдир.

У ўз ҳаёти давомида бутун куч ва ғайратини, билим ва маҳоратини юрт мустақиллиги, миллат равнақи, халқ озодлиги йўлида сарфлаган закий зотлардан биридир.

Меҳнаткаш ўзбек халқининг озодлиги, тенглик ва тинчлиги учун, унинг келажак бахт-саодати йўлида курашган Файзулла Хўжаев ўзининг бутун борлиги, серкирра фаолиятини инсон бахт-саодатига, унинг келажакига бағишлади.

Илмли, ўз замонасининг билимдони, сиёсатдон ва маданиятли, ўз тарихини яхши билган инсон бўлган Файзулла Хўжаев савдогар оиласида туғилганлиги учун ҳар томонлама яхши таъминланган эди. У отасидан қолган бойликни жадид мактаблари очишга, ёш бухороликлар фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфлади.

1917 йилдан бошлаб Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат ёш бухороликлардан ажралиб чиққан «Сўл қанот»га бошчилик қилишади. Файзулла Хўжаев жадидчилар билан

биргаликда Бухорода конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар.

Файзулла Хўжаев бой илмий мерос қолдирган. Унинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (1926), «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиш тарихига доир» (1932) китоблари, «БХСРдаги иқтисодий аҳвол» (1924), «Ёш бухороликлар тўғрисида» (1926), «Жадидлар» (1926) каби мақолаларида XX асрнинг 1 чорагидаги жиддий муаммолар ҳақидаги фикрлари баён этилган.

Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти мустақиллик туфайли чуқурроқ ўрганила бошланди. 1996 йилда ўзбек халқи ўзининг фидойи фарзанди Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллик юбилейини нишонлади. Юбилей муносабати билан Файзулла Хўжаев асарлари ва у ҳақидаги тадқиқотлар нашр этилди.

Бу борада кутубхоналарнинг вазифаси китобхонлар эътиборини Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига жалб этиши ва унинг ижодини кенг тарғиб қилишда тарғиботнинг илмий-амалий семинар, китобхонлар конференциялари, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари, билимдонлар беллашуви, китоб кўргазмалари, мавзули ва мунозара кечалари сингари турли хил шакл ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлланманинг мақсади Файзулла Хўжаев тўғрисидаги маълумотларни, ахборот материалларни, кенг китобхонлар оммасига етказиш, тарғиб қилишда кутубхона ходимларига методик ёрдам беришдир.

Бухоронинг асл фарзанди

Ўзбек миллатининг асл фарзанди Файзулла Хўжаев 1896 йилда Бухоро хонлиги даврида Бухорода йирик савдогар оиласида дунёга келади. Унинг отаси Убайдулла-хўжа Қосимхўжаев Москвада хусусий савдо маҳкамасига

эга бўлиб, Россиянинг ўзида ҳамда хорижий бозорларда қоракўл тери билан кенг миқёсда савдо-сотик юргизар эди. У келажакда ўғлини ўзига ўхшаган эътиқодли, илмли, муслмон бўлиб етишишини истар эди. 1907 йилда ўн бир ёшли Файзуллани отаси Москвага олиб кетади. Москвада у беш йил давомида уйда ёлланган рус ўқитувчиларидан сабоқ олади. Бироқ Файзулла ўн олти ёшга ҳам тўлмасданок отаси оламдан ўтди. Шундан сўнг Файзулла Хўжаев тарбияси камбағал деҳқон оиласидан чиққан онасига қолади. Унга онаси ҳаётдаги барча яхши-ю ёмон томонларни уқтириб, қизиқувчан, зийрак йигитчанинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари шаклланишида катта роль ўйнаган биринчи омил онанинг таъсиридир. Файзулла Хўжаев 1913 йилда жадиждлар ҳаракатига қўшилади. Бу ҳаракат Бухоро шароитида маълум таракқиёт аҳамиятига эга эди. Ёш Файзуллада таракқийпарвар ғояларнинг шаклланишида Бухоронинг дастлабки маърифатпарварларидан бири Абдулвоҳид Бухоновнинг сезиларли таъсири бўлган.

Бухорода демократик ҳаракат аҳоли ўртасида маърифат ва маданият тарқатиш учун курашдан бошланади. Бу янги усул мактаблари (мактаби усули жадиди) очишдан бошланди. Мазкур мактабларда диний таълим асослари билан бир қаторда математика, география, табиатшунослик каби дунёвий ва ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади. Янги усул мактаблар Бухорода аввалдан мавжуд бўлган мактабларга (мактаби усули қадими)га қарама-қарши йўсинда ташкил этилади.

Миллий зиёлилар ва маҳаллий ҳукуматнинг маорифни ислоҳ қилиш ҳаракатига етакчилик қилган айрим вакиллари мавжуд тузумга ва Бухородаги мустабид бошқарув усулига танқидий назар билан қараганларнинг барчасини янги усул мактаблари атрофига бирлаштира бошлади. Бухоро ўша йиллари муслмон динининг бешиги, ислом динининг таянчи ҳисобланар эди. Шаҳардаги 364 энсиз ва

тор кўчаларда 360 мачит ва ҳаммаси бўлиб 20 мингга яқин талабага эга бўлган 138 мактаб ва мадраса бўлиб, талабаларнинг аксари кўпчилиги руҳоний, савдогар, амир амалдорлари ва бой табақа вакилларининг болалари эди.

Файзулла Хўжаев ўз мамлакатининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги қолоқлигига барҳам бериш, халқ оммасининг турмушини яхшилаш йўллари кидирди. Бу борада Файзулла Хўжаев ва ёш бухороликлар ҳам бир масалада – Бухорони тараққиёт йўлига олиб чиқиш масаласида бир хил фикрда эдилар.

Жадидлар дастлаб маданий-оқартув ишлари билан шуғулландилар, кейинроқ эса унча-мунча демократик озодлик ҳақидаги талаблар билан чиқа бошладилар. Жадидлар ҳаракатида фаол қатнашган Файзулла Хўжаев Бухорони тараққий эттириш учун ҳам айрим ўзгартишлар киритиш лозимлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлади. У, жадидлар орасидан ўз ғояларига тарафдорларни ҳам топди ва улардан бошқа сафдошлари билан биргаликда, 1917 йилда Ёш бухороликлар партиясини тузди. 1917 йил апрелда Ёш бухороликлар Файзулла Хўжаев бошчилигида халққа баъзи бир демократик эркинликларни бериш кераклиги тўғрисидаги талаблар билан амирга мурожаат қилдилар. Аммо амир ёш бухороликларга ён босмади, улардан қаттиқ ўч олди. 1918 йилда вужудга келган Бухоро Коммунистик партиясини халқ оммасининг туб манфатларини ифодалар эди.

Файзулла Хўжаев халқ ишига шижоат билан киришиб ҳормай-толмай иш олиб бориб, БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикаси) Халқ Нозирлари Советининг раиси лавозимида ҳаракат қилди.

Файзулла Хўжаев 1920 йил январда Тошкентда ташкил топган инқилобчи ёш бухороликлар партиясини Марказий бюроси раиси бўлиб ишлай бошлади. 1920 йил 14 сентябрда Бухоро халқ Нозирлари кенгаши тузилди. Файзулла Хўжаев ташқи ишлар нозири лавозимида ишлай

бошлади. Бухоро Республикаси давлат арбоби бўлган Файзулла Хўжаев биринчи кунданок мустақил сиёсат юргазишга, Россия ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. У ўзбек халқининг фарзандлари илм олиши йўлида анча ишларни амалга оширади. Талабаларни хориж мамлакатларига жўнатиб ўқитиш ташаббуси билан чиққан.

Файзулла Хўжаев маърузаларидан бирида халқига қарата шундай деган эди: «Барча фикр ва барча билимлар ягона олий мақсад – бизнинг буюк Ватанимизни барча чоралар билан мустаҳкамлашга йўналтирилиши лозим».

Файзулла Хўжаев ўзининг халқ олдидаги бурчини бажаришда куч ва соғлиғини аямасди. У ҳатто беморлигига қарамасдан Москвада ёш республиканинг иқтисодий ва маданий қурилишига доир жуда кўп масалаларни ҳал қилди. Файзулла Хўжаев БХСР ҳукуматининг бошлиғи лавозимида тўрт йил ишлади, бу давр давлат арбоби бўлган Файзулла Хўжаев учун катта мактаб, хўжалик-ташкilotчилик ишлари мактаби бўлди.

Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистонни намунали республикага айлантириш тўғрисидаги эзгу нияти рўёбга чиқди. У фақат ўзбек миллатининг равнақи учун эмас, балки ўнлаб турли миллат фарзандлари меҳнат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг равнақи учун, шу республикада яшаётган барча миллатларнинг бахтли ҳаёти учун курашди.

Файзулла Хўжаев раҳбарлигида 1923 йилдаёқ аҳолига медицина ҳизмати кўрсатиш, умумий таълим мактаблари, билим юртлари ва курслар тармоғини кенгайтириш соҳасида анчагина амалий чоралар кўрилди. Аҳолига – ишчилар, хизматчилар, хунармандлар, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга давлат ҳисобидан медицина хизмати кўрсатиш, меҳнат, ижтимоий таъминот ҳамда соғлиқни сақлаш нозирлиги томонидан йўлга қўйилди. Эски Бухорода 200 ўринлик

дастлабки шаҳар касалхонаси, 12 та даволаш-амбулатория пункти очилди.

Халқ маорифи ҳам анча ривожланди. 1923 йилда Бухоро республикасида 32 та бошланғич ва ўрта мактаб, тўртта мусиқа мактаби, иккита педагоглар тайёрлаш институти, 11 та болалар уйи, хунар мактаби ташкил этилди.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган дастлабки натижаларда Файзулла Хўжаевнинг салмоқли хиссаси бор.

Ана шундай юксак, олижаноб мақсадларга интилган Файзулла Хўжаев ўзининг халқ олдидаги бурчини жўшқин ғайрат билан адо этди.

Аmmo 1937 йил 9 июлда Файзулла Хўжаев Москвада қамоққа олинди.

Унга «Ўнг троцкийчи блок» фаолиятига қўшилганлиги, «Миллий иттиҳод» ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилганлик, «босмачилик» ҳаракати кўрбошиларини қўллаб-қувватлаганлик, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Бехбудий ва бошқа ўзбек зиёлиларига ғамхўрлик кўрсатганлик каби айблар қўйилган ҳолда отишга ҳукм қилинган. Шу тариқа ўзбек халқининг оташ қалб фарзанди Файзулла Хўжаев катағонлар қурбонига айланган.

1965 йил 6 мартда Олий суд ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб топди ва оқлади.

Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим саналар

Файзулла Хўжаев – 1896 йил 1 июлда Бухорода туғилган

1905-1907 йиллар Бухоро мадрасасида ўқиган.

1907-1912 йилларда Москвада хусусий мактабда ўқиган.

1912 йил Бухорога қайтган.

1913 йил Ёш бухороликлар партиясининг аъзоси.

1913-1916 йиллар Бухорода жадидлар ҳаракатига қатнашади.

1917 йил Тошкентда тузилган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюроси раиси, «Учкун» газетаси муҳаррири.

1920 йил 14 сентябда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати – Халқ Нозирлар Шўроси тузилиб, ҳукумат бошлиғи қилиб сайланди.

1922 йилда ички ишлар нозири бўлиб ишлаган.

1920-1922 йилларда БХСР ташқи ишлар нозири.

1921-1924 йилларда ҳарбий ишлар нозири.

1922-1924 йилларда Меҳнат ва мудофаа кенгаши раиси.

1925 йилда СССР Ҳарбий Денгиз ишлари халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ССР бўйича расмий вакили.

1924 йил ноябрда Муваққат ишчи деҳқон ҳукумати раиси.

1925 февралдан 1937 йилгача Ўзбекистон ССР ХКС раиси.

1932 йилда ЎзССРнинг баъзи областларида йирик суғориш иншоотлари қурилиши аҳволини ўрганиш ва Тошкентда пахтачилик илмий-тадқиқот институти ташкил этиш бўйича таклиф тайёрлаш комиссиясининг раиси.

1933 йилда илғор колхозчилар I съезида, ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг пахта етиштиришни кўпайтириш учун кураш, дон муаммосини ҳал қилиш юзасидан чақирилган пленумида маъруза қилди.

1934 йилда ВКП (б) XVII съезида, республика чорвадор ва ғаллакор районлари илғор колхозчилар I съези ишида қатнашди.

1935 йилда ЎзССР Советларининг V съези, СССР Советларининг VII съези делегати, эски шаҳарларни реконструкция қилишга бағишланган кенгашда қатнашади.

СССРнинг янги конституция лойиҳасини тайёрлаш комиссияси аъзоси.

1936 йилда ЎзССРнинг янги конституцияси лойиҳасини тайёрлаш комиссиясига аъзо. ЎзССР Советларининг VI съезди ва СССР Советларининг фавкулудда VIII съезди делегати.

1937 йилда ЎзССР Советларининг VI съезди ва Ўзбекистон зиёлиларининг I съездида нутқ сўзлади. Ўзбекистон КП (б) VII съезди ишида қатнашди.

1937 йил 9 июлда Файзулла Хўжаев Москвада камоққа олинди ва отишга ҳукм қилинди.

1965 йил 6 мартда Олий суд ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб топди ва оқлади.

Файзулла Хўжаев ҳаёти ва ижодий фаолиятини ҳамда у ҳақидаги манбаларни биласизми?

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни Файзулла Хўжаев ижоди, унинг таржимаи ҳоли, у ҳақидаги хотиралар, бағишлов, асарлар ҳақидаги нашр этилган материалларнинг юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар, магистрлар ва аспирантлар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Саволлар ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар бу адабиётларни ўқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини Файзулла Хўжаевнинг (оз бўлсада) алоҳида нашрларига ва у ҳақидаги нашрларга қаратиш керак.

Беллашув ўтказиладиган жойда Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи китоб-суратли кўргазмани ташкил этишни тавсия этамиз.

Беллашувнинг якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади.

«Серқирра инсон эди» мавзусида адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш учун тахминий режа

Кўргазма қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

1. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти.

*Тирик билгай улуғларни улуғлар,
Улуғларни эъзозлагай улуғлар.*

Лойиқ Шерали

Бу бўлимга Файзулла Хўжаев ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

2. Жадидчилик ҳаракати вакили ва ҳомийси.

*Дунёга ишонмоқ учун, комил ва
одил бўлмоқ учун тарихни ўқимоқ ва
билмоқ керак.*

Маҳмудхўжа Бехбудий

(«Тарих ва жўгрофия» асаридан)

Бу бўлимга Файзулла Хўжаевнинг жадидчилик фаолияти, маориф соҳасидаги ишларига бағишланган адабиётларни қўйиш мақсадга мувофиқ.

3. Йирик давлат арбоби.

*Биз нафақат Бухорони ёки
Ўзбекистонни, балки Ўрта Осиёнинг
мустақиллигини таъминлаш ҳақида
ўйлашимиз керак.*

Файзулла Хўжаев

Бу бўлимдан Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти давомида ўз халқи учун, ватани учун, унинг равнақи йўлидаги ишлари ҳақидаги ҳужжатлар жой олади.

4. Қатағонлик қурбони.

*Марҳумлар ёди, тириклар
эъзози муқаддас.*

Бу бўлимда Файзулла Хўжаев ҳақида ёзилган адабиётлар, хотиралар қўйилади.

Билимдонлар беллашуви учун савол ва жавоблар

1. Файзулла Хўжаев ким?

(Файзулла Хўжаев атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Бухоро Жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири).

2. Файзулла Хўжаев қачон ва қаерда туғилган?

(Файзулла Хўжаев 1896 йил Бухоро шаҳрида йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа оиласида туғилган).

3. Файзулла Хўжаев бошланғич маълумотни қачон ва қаерда олган?

(Файзулла Хўжаев бошланғич маълумотни Бухоро мадрасаларидан бирида икки йил олгач, 1907-1912 йилларда Москвада хусусий муаллимлар қўлида ўқиган).

4. Файзулла Хўжаев қачон «Ёш бухороликлар» партиясига аъзо бўлган?

(Файзулла Хўжаев 1912 йил Бухорога қайтгач Ёш бухороликлар партиясига аъзо бўлган).

5. Файзулла Хўжаев қачон жади́дчилик ҳаракатига кўшилган?

(Файзулла Хўжаев 1913 йилда жади́длар ҳаракатига кўшилиб, Бухорода бир нечта янги усулдаги мактаблар очган).

6. «Сўл қанот» партияси қачон ва ким томонидан ташкил топган?

(1917 йилдан бошлаб Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат Ёш бухорликлардан ажралиб чиққан «Сўл қанот»га бошчилик қилишган).

7. «Учкун» газетаси қачон чиқа бошлаган?

(1920 йил апрелдан бошлаб Файзулла Хўжаев таҳрири остида «Учкун» («Искра») газетаси чиқа бошлаган).

8. Файзулла Хўжаев қачон Бухоро халқ нозирлар Советининг раиси этиб тайинланган?

(Файзулла Хўжаев 1920 йил августда Бухоро революцион-демократик ҳукуматининг бошлиғи – Халқ Нозирлар Советининг раиси қилиб тасдиқланган).

9. Файзулла Хўжаев қайси йилларда ҳарбий ишлар ноziри бўлиб ишлаган?

(Файзулла Хўжаев БХНКида 1921-1924 йилларда ҳарбий ишлар ноziри лавозимида ишлаган).

10. Файзулла Хўжаев «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» китобини қачон ёзган?

(Файзулла Хўжаев бой илмий мерос қолдирган. У «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» асарини 1926 йилда ёзган).

11. Бўзсув гидроэлектростанцияси қачон ишга туширилган?

(1926 йил мартда республикада қурилиш ва саноат бўйича Марказий партия комиссияси тузилган бўлиб, Файзулла Хўжаев ҳам мазкур комиссия таркибида ишлаган).

Шу даврда Бўзсув гидроэлектростанцияси ишга туширилган).

12. Файзулла Хўжаевнинг қайси китоби 1932 йил босмадан чиққан?

(1932 йилда «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир» китоби босмадан чиққан).

13. Файзулла Хўжаев ҳақида ёзилган асарларни биласизми?

(Файзулла Хўжаев асарлари ва у ҳақида Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссаси, Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмаси, Н.Наимовнинг «Мен яшашни истайман» роман-хроникаси ва бошқа асарлар мавжуд).

14. Файзулла Хўжаев бюсти қаерда ўрнатилган?

(Файзулла Хўжаев бюсти у ўзи туғилиб ўсган жойи Бухорода ўрнатилган).

15. Файзулла Хўжаев қачон Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган?

(1922 йилда Файзулла Хўжаев Шарқ коммунистлари орасида биринчилар қаторида Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган).

16. Файзулла Хўжаевнинг танланган асарлари нечанчи йилда нашр қилинган?

(Файзулла Хўжаевнинг 3 жилдлик танланган асарлари 1970-1973 йилларда «Фан» нашриёти томонидан нашр этилди).

17. Маориф соҳасидаги фаолияти давомида Файзулла Хўжаев қандай ўқув юртлари ташкил этган?

(Файзулла Хўжаев халқининг илмий бўлиши учун тинмай хизмат қилган. Унинг ташаббуси билан Тошкентда 1933 йилда пахтачилик илмий текшириш институти ва бир қатор педагогика олий ўқув юртлари ташкил этилди).

18. Файзулла Хўжаев «Ўзбекистон юксалиш йўлида» асарини қачон ёзган?

(Ўзбек халқининг оташқалб фарзанди, атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев «Ўзбекистон юксалиш йўлида» асарини 1936 йилда ёзган).

19. Файзулла Хўжаев қачон қамокқа олинган?

(1937 йил 9 июлда Файзулла Хўжаевга ўзбек зиёлиларини қўллаб-қувватлаганлиги, «Миллий иттиҳод» ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилганлиги учун бир қатор айблар қўйилиб Москвада қамокқа олинган).

20. Файзулла Хўжаев қачон оқланган?

(1965 йил 6 мартда Олий суд ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб топди ва оқлади).

21. Қуйида келтирилган парча Файзулла Хўжаевнинг қайси мақоласидан олинган?

Эркинлик тўғрисида тантанавор гапириш бошқа-ю, бу эркинликларни амалда бериб қўйиш бошқа, бу эркинликларни имтиёзли бир ҳовуч кишиларгагина бермасдан, балки бутун халққа, ишчилар, деҳқонлар ва меҳнаткашларга, хуллас, халқнинг ўзига бериб қўйиш бошқа.

(Бу «Озод халқнинг буюк хартияси» асаридан парча).

22. Ўзбекистон олимларининг биринчи съезди қачон ва қаерда бўлган?

(1937 йилнинг май ойида Самарқандда Ўзбекистон олимларининг биринчи съезди бўлган. Унда 180 делегат қатнашган. Файзулла Хўжаев съезд иштирокчиларига қарата табрик нутқи сўзлаган).

23. Файзулла Хўжаевнинг қайси асарида Бухоро жадиличилик тарихи баён этилган?

(Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» асарида Бухоро жадиличилик тарихи ҳақида тўлиқ маълумот берилган).

24. Файзулла Хўжаев «Ёш бухорликлар тўғрисида» мақоласини қачон ёзган?

(Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти давомида ўз туғилиб ўсган Бухоро халқи учун анча ишлар қилган. У ўз сафдошлари ҳақида 1926 йил «Ёш бухороликлар тўғрисида» мақоласини ёзган).

Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китобхонлар конференцияси

1. Адабиётга кўчган сиймо.
2. Илм-фан ва маориф ҳомийси.
3. Файзулла Хўжаев – атоқли давлат арбоби.
4. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик.

Адабиётлар кўргазмаси

1. Зулматдан зиё.
2. Моҳир муаррих.
3. Улкан давлат арбоби.
4. Бухоронинг жонкуяр ўғлони.
5. Хотиранинг доимо қалбимизда.

Давра суҳбати

1. Тилло бошга тикилган олтинлар.
2. Моҳир саркарда.
3. Илм-фан фидойиси.
4. Файзулла Хўжаев жамоат арбоби.

Мавзули кеча

1. Юксак фазилатлар соҳиби.
2. Файзулла Хўжаев ҳаётдан лавҳа.
3. Халқнинг ардоқли фарзанди.
4. Файзулла Хўжаев империя қурбони.
5. Жасорат абадияти.

Хотира ва қадрлаш соати

1. Файзулла Хўжаев замондошлар хотирасида.
2. Халқимизнинг оташ қалб фарзанди.

3. Файзулла Хўжаев барҳаёт сиймо.
4. Ватанпарвар ва маърифатпарвар инсон.
5. Хотира муқаддас, кадр барҳаёт.

Савол-жавоб кечаси

1. Файзулла Хўжаевни биласизми?
2. Илм-маърифат қалқони.
3. Файзулла Хўжаев – армия кўмондони.
4. Империя қурбонларидан бири.
5. Жаҳидчилик намояндаси.

Билимдонлар беллашуви

1. Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти.
2. Файзулла Хўжаев адолат тарафдори.
3. Халқи учун фидо бўлган ўғлон.

Адабиётлар

Мухтор Асқад. Бухоронинг жин кўчалари: Қисса.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.-143 б.

Содиқов Й. Файзулла Хўжаев - атоқли давлат арбоби.-Т.: Ўзбекистон КПКМК нашриёти, 1969.-31 б.

Файзулла Хўжаев ҳаёти ва ижоди ҳақида янги мулоҳазалар: Бухоро инқилобининг тарихига материаллар /Таҳрир ҳайъати: А.Асқаров, И.Искандаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова.-Т.: Фан, 1977.-175 б.

Хасанов М. Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев.-Т., 1968.-24 б.

Хўжаев Файзулла. [Фото альбом] / (Масъул муҳаррир тарих фан.канд.Х.Иноятов) Т.: Фан, 1977.-67 б.

* * *

Зарипов М. Ўзбек халқининг оташ қалб фарзанди: Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига //Саховат.-1996.-№3.-Б.17-19.

Содиқов Х. Долғали ҳаёт лавҳалари: Файзулла Хўжаев ҳақида //Саодат.-1996.-№3.-Б.6-7.

* * *

Алимова Д. Жадидчилик ва диний бағрикенглик // Тафаккур.-2005.-№ 4.-Б.18-19

Алимова Д. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик ёки «Муҳолиф зиёлилар тўдаси» ҳаракати қандай қилиб «Миллий тараққиёт ҳаракати»га айланди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1996.-7 июнь.

Бюст ўрнатилди: [Бухорода таниқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаевга бюст ўрнатилди] //Оила ва жамият.-1996.-№ 25.-Б.4.

Гапич С. Икки тақдир: Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги олдидан //Ўзбекистон овози.-1996.-20 апр.

Носирова Х. Мен ўрганмаган мақом: Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига //Ўзбекистон овози.-1996.-29 июнь.

Ражабов Қ. Орзу ва армон: Империя қурбонлари: [Файзулла Хўжаев ва унинг фаолияти ҳақида] //Ватан-парвар.-1996.-4-11 июль.

Сафаров А. Файзулла Хўжаевнинг жабрдийда онаси: [катагонликлар қурбони Райҳон ая қисматига оид] //Ватан-парвар.-2003.-30 авг.

Усмонов М. Юксак фазилатлар соҳиби: Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига //Қишлоқ ҳаёти.-1996.-2 июнь.

Усмонов И. Мен яшашни истайман: Файзулла Хўжаев хотирасига бағишланади //Туркистон.-1996.-13 апр.

Энг олий бахт: [Файзулла Хўжаев ҳақида] / Дилшод Исмоил ўғли ёзиб олган.-//Тошкент оқшоми.-1996.-22 май.

Қултўраева О. Ҳаётсевар эди: Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги олдидан //Халқ сўзи.-1996.-28 март.

Ҳасан Аҳад. Уч қарра ҳукм: [Файзулла Хўжаевнинг фаолияти ҳақида тарихий эссе] //Хуррият.-1999.-1-7 дек.

Ҳасаний Мажид. Файзулла Хўжа армонлари [Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги олдидан] //Туркистон.-1996.-20 март.

Ҳасаний Мажид. Фидойи инсон: [Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига] // Тошкент оқшоми.-1996.-24 май.

Мундарижа

Муқаддима	3
Бухоронинг асл фарзанди	4
Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим саналар	8
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга Тавсиялар	10
Адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш учун тахминий режа	11
Билимдонлар беллашуви учун савол ва жавоблар	12
Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	16
Адабиётлар	18

Босишга рухсат этилди “___” _____ 2006 йил

Бичими ___ нашр. т. ___ нусха. Буюртма № ___

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди